

«O'zbekiston temir yo'llari» AJ ning
«24», 11. 2017 йилдаги
№ 2160-НЗ сонли буйруғи билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«O'zbekiston temir yo'llari» AJ
«Toshkent mintaqaviy temiryo'l uzeli» UK
УСТАВИ

Тошкент – 2017 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони, ҳамда «O'zbekiston temir yo'llari» ДАТК Кенгаши ва ягона акциядорининг 2015 йил 30 апрелдаги 59-сонли қўшма йиғилиши қарорига мувофиқ, таркибий бўлинмалар номланишини қонун талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, «O'zbekiston temir yo'llari» ДАТК бошқарув раисининг 2015 йил 2 июндаги «Таркибий бўлинмалари номланиши қонун талабларига мувофиқлаштириш тўғрисида»ги 249-Н сонли буйруғига асосан «O'zbekiston temir yo'llari» ДАТК номи «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамиятига ўзгартирилганлигини ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 25 майда давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 октябрдаги «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ «Бошқарув фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 375-сонли қарорига асосан Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ ташкилий тузилмасига киритилган.

1.2. «Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli» Unitar Korxonasi (кейинги ўринларда Узел деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари асосида таъсис этилган ва ўз фаолиятини қонундаги ўрнатилган тартида олиб боради. Унинг Таъсисчиси бўлиб «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ.

1.3. Узелнинг расмий номи:

Ўзбек тилида: «Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli» unitar korxonasi;

Рус тилида: Унитарное предприятие «Региональный железнодорожный Узел Ташкент».

1.4. Узел давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонуни, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси қарорлари, юқларни ташиш қоидалари, «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруқлари, фармойишлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

1.5. Узел юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган муҳри, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлади. Узел ўз фаолиятини тўлиқ хўжалиқ ҳисоби, ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида олиб боради.

1.7. Узел ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулки хуқуқларни олийши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олийши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Узел Таъсисчисининг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

1.9. Узел ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича ундирилиши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

1.10. Узел ўз Таъсисчисининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Таъсисчи Узелнинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади. Узел чекланмаган муддатда фаолият юритади.

1.11. Узел «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамияти таркибига киради ва белгиланган чегараларда истеъмолчиларга сифатли темир йўл транспорти хизматларини тақдим этувчи ишлаб-чиқариш хўжалик комплекси ҳисобланади.

1.12. Узел «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамиятининг унитар корхонаси бўлиб, таркибий бўлинмалардан иборатдир. Узелнинг бошқаруви унинг таркибига кирувчи бўлинмаларга нисбатан хўжалик бошқарувининг юқори турувчи органи ҳисобланади.

1.13. Узел темир йўл транспортида белгиланган чегара доирасида ташиш жараёнига раҳбарлик ва хўжалик ишларини тартибга солишни амалга оширади. Узел темир йўл транспорти тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамияти томонидан олиб борилаётган ишларни амалга оширишга кўмаклашади.

1.14. Узелнинг юридик манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани Туркистон кўчаси-7 уй индекс рақами-100015.

II. Узелнинг асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Узелнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли ва хўжалик субъектларини темир йўл ташишларга бўлган эҳтиёжини тўла ва ўз вақтида қондириш;
- ташувлар минтақавий бозори конъюнктурасини ўрганган ҳолда уларнинг инфратузилмасини шакллантириш, жаҳон андозалари даражасида хизматлар кўрсатишни таъминлаш, шунингдек темир йўл транспорти тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- темир йўл транспорти хизмат кўрсатиладиган миқозлар юқини ўз вақтида юқлар бутлигини таъминланган ҳолда манзилга етказиш;
- темир йўл транспортининг хизмат кўрсатиладиган ҳудуд доирасида барқарор ва хавфсиз ишлашни таъминлаш, фойдаланувчиларга кенг қўламда темир йўл хизматларини кўрсатиш;
- юқлар, йўловчилар, почта ва багажлар ташиш соҳасида ушбу хизматлардан фойдаланувчи миқозларга қулайликлар яратган ҳолда сифатли ва хавфсиз хизматларни ташкил этиш;

- жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда темир йўл транспорти бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга доир чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- хизмат кўрсатиш ҳудудида темир йўл тармоқларининг иш барқарорлигини ва ўтказиш имкониятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси чегаралари орқали юк ва йўловчиларни ташиш борасида жойлардаги божхона ва солиқ идоралари, чегара хизмати билан аниқ мувофиқлаштирилган ҳолда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

- темир йўл транспортида ягона илмий-техника ва инвестициявий сиёсатни юритишда кўмаклашиш;

- янги техника ва технологияларни ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини, темир йўл транспортининг комплекс ривожланишини ташкил этишда иштирок этиш;

- темир йўл тармоқларини моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларни янада ривожлантириш ва бажариш имкониятларини ошириш, янги темир йўл линиялари, кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш, илғор технологиялар ва замонавий менеджмент усулларини кенг жорий этишда иштирок этиш;

- Узел таркибий бўлинмаларида хизмат кўрсатиш-эксплуатация ва ривожланиш эҳтиёжлари учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, деталлар ва жихозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш;

- атроф-муҳит муҳофазаси бўйича экология меёрларини белгилаш ва белгиланган меёрларига риоя қилишда давлат томонидан чиқарилаётган қонун ва қарорларини ижросини таъминлаш;

- Узел ходимларини атетациясини ўтказиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш.

2.2. Узел белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функциялар бажарилишини таъминлайди,

темир йўл орқали ташиш жараёни доирасида:

- белгиланган юк ташиш режаларини бажаришни таъминлаш;

- белгиланган чегаралар доирасида, шу жумладан давлатлараро туташ пунктлари орқали, чегаралар божхона ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан биргаликда юк ва йўловчи поездларини тўсиксиз ўтишини таъминлаш;

- Узел таркибий бўлинмаларидаги техник воситалар ва жихозларни шай ҳолатда тутиш;

- юк ташиш ҳужжатларини тўлдириш қоидаларига қатъий амал қилиш;

- ёнгин хавфсизлигини, юк, почта ва бағажларни ташиш ҳамда транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш;

- фавқулотда вазиятларда юк ташишни тартибга солиш ва вужудга келган шароитда белгиланган тадбирларни бажаришни таъминлаш;

- ташиш жараёнида иштирок этувчи барча бўлинмаларнинг ўзаро аниқ ҳамкорлигини таъминлаш;
- портловчи, тез ёнувчи, захарли моддалар, яъни хавфли юкларни ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш;
- темир йўл транспорти воситаларини фалокатсиз ташиш чора-тадбирларини ташкил этиш ва бажариш;
- давлат сирлари ва хизматга таалукли маълумотларни тарқалишини олдини оловчи чора-тадбирларни кўриш;
- иқтисод ва молия соҳасида:
 - Узел ва унинг таркибига кирувчи бўлинмаларни хўжалик бошқарувини ташкил этиш ва барча фаолият турлари бўйича молиялашни ташкил этиш;
 - Узел Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги қонуни бўйича, бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳолда бухгалтерлик ҳисобини юритиш. Молиявий ва статистик ҳисоботни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга ошириш;
 - Узел белгиланган тартибда «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамиятига, солиқ ва бошқа давлат идораларига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ўз молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги зарур бўлган маълумотларни тақдим этади;
 - темир йўл хизматлари учун барча тўловларни ўз вақтида тўла ундириш ҳамда уларни «O'zbekiston temir yo'llari» акциядорлик жамиятининг асосий даромад ҳисоб рақамига ўтказиш;
 - ташилган юклар учун дебитор қарзларни ва уни тугатилишини назорат қилиш, ҳисобга олиш ва дебитор қарзларни ундириш бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларни хўжалик судларига ошириш;
 - бекатлардаги юк-товар идораларида ўта муҳим бўлган ҳужжат варақаларини сақланишини таъминлаш;
 - темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташишнинг сервис ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этишда иштирок этиш;
 - Узел таркибий бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини тузиш ва уни бажариш;
 - транспорт техника воситаларини ҳамда темир йўл транспорти бино ва иншоотларини таъмирлашни ташкил этиш;
 - Узел ходимларининг меҳнат ҳақлари ва мукофотлаш тизими ва шаклларини аниқлаш ҳамда бу ишларни таркибий бўлинмаларда назорат қилиш;
 - ижтимоий ривожлантириш, Узел ишчи ходимларини ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - соф тушумдан белгиланган тартибда ва миқдорда нафақа жамғармасига бадаллар, кўшимча қийматга солиқлар, даромадга солиқлар тўловларидан, ҳамда автомобил йўллари таъмири ва қурилишига чегирмалар, инфратузилмани ривожлантириш учун солиқлардан ташқари барча турдаги солиқлар ва чегирма тўловлари ва ҳисобларини амалга ошириш;

- бекатлардан ва тижорий кўриқдан ўтказиш пунктлари (ПКО)лардан, Юк хужжатларига техник ишлов бериш маркази (ТехПД) ва «Ўзтемирйўлҳисоб» марказига ташиш хужжатлари ҳамда ундирилган тўловлар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида етказиш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тузиш ва уни бажариш;

- Узел ва унинг таркибий бўлинмалари ишчи-ходимларини мукофотлаш, Низомини ва унинг штат жадвалини тасдиқлаш;

- Узел ва унинг таркибий бўлинмаларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг истиқбол режаларини тузиш;

- хўжалик судларида ва бошқа давлат идораларида Узел ва унинг таркибий бўлинмалари ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- Узел таркибий бўлинмалари йигма балансини тузиш ва уни керакли давлат идораларига тақдим этиш;

техник сиёсат соҳасида:

- мутлақо янги техника ва технологияларни, илғор тажрибаларни жорий этиш, ихтиро, рационализаторлик ва патент-лицензиялаштириш фаолиятини ривожлантириш;

- атроф муҳитни зарарли чиқиндилардан сақлаш ва экологик тоза технологияларни, жараёнларни ва зарарли чиқиндиларни камайтирадиган транспорт воситаларини кенг жорий этиш;

моддий-техника таъминоти соҳасида:

- Узел ва унинг таркибига кирувчи бўлинмаларнинг асосий воситаларини соз ҳолда тутиш ва уларни меъёрида ишлаши учун керакли бўлган эҳтиёт қисмлар ҳамда ёнилғи энергетика ресурслари билан таъминлаш;

- фалокатлар, авариялар ва бошқа назарда тутилмаган ходисаларнинг оқибатларини бартараф этиш учун моддий-техника ресурсларнинг барча турларидан захиралар ташкил этиш;

- фавқулотда вазиятлар даврида Узелнинг сафарбарлигини таъминлаш учун моддий-техника ресурслари захираларини тузиш ва тайёргарлигини таъминлаш;

кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида:

- ходимларни танлаш, уларни юксалиши учун шароит яратиш, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимларини белгилаш;

- Узел эҳтиёжи учун кадрларни касбий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш, унинг моддий базаси ва ривожланишини таъминлаш;

- оммавий касб эгалари ва мутахассисларни ўқув муассасаларда ва ишлаб чиқаришда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни, шунингдек уларни иш ўрганишларини (стажировкаларини) таъминлаш;

- темир йўл транспортида самарали кадрлар сиёсатини амалга ошириш;

- поездлар харакати билан бевосита боғлиқ бўлган Узел ходимларининг алоҳида тоифалари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шароитлари

хусусиятларини, иш вақти ва дам олиш вақти режимларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

- Узел ишчи-ходимлари аттестациясини ўтказиш, ишлаб-чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш.

2.3. Узел юқорида қайд этилганлардан ташқари яна қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- темир йўл транспорти объектларидан фойдаланиш қоидалари, манёвр ишлари ва поездлар харакати хавфсизлигини таъминлаш талабларини уз таркибий бўлинмалари томонидан бажарилишини назорат қилади;

- темир йўл транспорти объектларини бутлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, харакат хавфсизлигини бузилиш сабабларини ўрганиш ва уларни тахлил қилиш, халокатлар, авариялар, экологик офатларни олдини олиш буйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- ишчи-ходимларни, йўловчиларни ва юкларни суғурталаш ишларини амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ темир йўл яқинидаги ажратилган йўлаклар худудида ердан фойдаланиш, у ерда бино ва иншоотлар қуриш тартибини белгилайди, тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларини мувофиқлаштиради;

- темир йўл транспортидаги электр, иссиқлик ва иссиқлик-энергетик мосламаларида, шунингдек сигимли идишларда юқори босим остида ишловчиларнинг фойдаланиш қоидаларига тўғри риоя этишларини ташкил этади;

Қурилиш, савдо ва автотранспорт соҳасида:

- турли бино-иншоотлар, темир йўллар, турар жой (дала ҳовли, турар жой, коттедж ва х.к.) ва ижтимоий-маиший йўналишдаги объектларни қуриш;

- қурилиш-тамирлаш ишлари, қурилиш ва авария хизматларини бажариш, бино ва хоналар дизайни, ишлаб чиқариш ва савдо хоналарини, бинолар ва турар жой уйларни қуриш ва таъмирлаш;

- электромонтаж, монтаж ва ишга тушириш ишларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш тармоқлариға техник хизмат кўрсатиш;

- цемент ва бошқа қурилиш материалларидан турли хилдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- барча турдаги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- пластмасса ва алюминийдан эшиклар, дераза блоклари, мебеллар, жалюзалар ишлаб чиқариш ва сотиш;

- қурилиш ва хўжалик моллари ҳамда халқ истеъмоллари билан улгуржи ва чакана савдосини амалга оширишни йўлга қуйиш. (махсус руҳсатнома олгандан сўнг);

- барча турдаги автотранспортларни таъмирлаш, сервис хизматини кўрсатиш ва ижарага беришни ташкил этиш;

- ўз балансидаги ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш;

III. Узел фаолиятини бошқариш

3.1. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Узел фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;
- Узел уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Узелга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;
- Узелни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

3.2. Узел ва унинг девони фаолиятини бошқариш Узел бошлиғи томонидан амалга оширилади. Узел бошлиғи ижро этувчи орган ҳисобланади.

3.3. Узел бошлиғи, Узел бошлиғининг ўринбосари, бош муҳандис «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ бошқаруви раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

3.4. Узел бошқаруви бўлимларининг бошлиқлари ишга «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига асосан келишилган ҳолда тайинланадилар ва ишдан озод этилади.

3.5. Узел бошлиғи йўқлиги вақтида унинг мажбуриятлари Узел бош муҳандис ёки бошлиқ ўринбосарига «O'zbekiston temir yo'llari» АЖ раисининг буйруғи асосида юкланади.

3.6. Узелининг бошлиғи ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонунда ўрнатилган тартибда жавобгардир.

3.7. Узелининг бошлиғи:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Узел ходимларининг меҳнат шaroитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;
- Узелнинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;
- Узел номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифода қилади;
- ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва тўхтатади;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;
- кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

- Узелнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқаради;
- Узелнинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиқлайди;
- Узел томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;
- Узелга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

IV. Узелнинг устав фонди миқдори

- 4.1. Узелнинг устав фонди мулклар ва бошқа активлардан иборат бўлади.
- 4.2. Узел устав фондининг миқдори 88 004 216 000 сўмни ташкил қилади.
- 4.3. Узел Муассисининг улушлари пул маблағлари, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк ва ҳ.к.лар кўринишида киритилиши ва кўпайтирилиши мумкин.
- 4.4. Узел Муассисининг қарорига асосан устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.
- 4.5. Устав фондини кўпайтириш Муассис томонидан қўшимча улуш киритиш ва Узелнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

V. Узелнинг мулкни тасарруф этиш

- 5.1. Муассис томонидан Узелга тезкор бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Узел мулкни ташкил қилади.
- 5.2. Узелнинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.
- 5.3. Муассис Узелга берилган мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини назорат қилади.
- 5.4. Директор Муассис билан келишган ҳолда Узел мулкни қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:
 - асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;
 - мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;
 - мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.
- 5.5. Узелнинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Узел ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

VI. Даромадларни шакллантириш тартиби

6.1. Узел даромади:

- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

VII. Захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби

7.1. Узел ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

VIII. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

8.1. Узелда қоладиган соф фойда барча солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Узел тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

IX. Ҳисоботлар тақдим этиш тартиби

9.1 Узел ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

9.2 Узелнинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Муассис томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.3 Директор ҳар чорақда фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Муассисга ҳисобот беради.

X. Узелнинг жавобгарлиги

10.1. Узел ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Узелнинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

10.2 Узел Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

XI. Узелнинг филиаллари ва ваколатхоналари

11.1. Узел Муассис билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам унинг ташқарисида ҳам, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

11.2. Узелнинг филиаллари ва ваколатхоналари унинг номидан Узел томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

XII. Узелни тугатиш ва қайта ташкил этиш

12.1. Узел Муассиснинг қарорига кўра, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

12.2. Узелни тугатиш Узел фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади, Узел қайта ташкил этилган тақдирда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

«Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli»
Унитар корхонаси рахбари

